

«СУПЕРТАБАССЦМ»

# БИР УПИЧНИНГ БАҲОСИ

ҲАЖВИЙ  
ҲИКОЯЛАР

Тошкент  
Ёзувчи  
1997

**БИР ЎПИЧНИНГ БАҲОСИ:** ҳажвий ва юмористрик ҳикоялар.  
- Т: "Ёзувчи", 1997 - 32 б. («Супертабассум» серияси).

**БИР ЎПИЧНИНГ БАҲОСИ**  
«Супертабассум» серияси.

**Масъул муҳаррир ва тузувчи** *Озод МЎЪМИН*  
**Техник муҳаррир** *Нодир РАҲИМОВ*  
**Рассом** *Ҳусан СОДИҚОВ*

Босишга рухсат этилди 20.07.97. Бичими 60x84/16. Босма тобоғи 2.0. Нусхаси 6000 дона. Шартнома №62-97. Буюртма №К-5428

«Ёзувчи» нашриёти, 700129, Тошкент ш., Навоий, 30.  
«Фантаст» ташкилоти, 700113, Тошкент ш., Каторгол, 60.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

М  $\frac{4702620201}{М 362 (04) -97}$  қатъий буюртма -1997

ISBN 5-8255-0473-7

© «Фантаст» ташкилоти, тузиш ва безаш.



*Сизга «Супертабассум» деб номланган ҳажввиялар, кулгули ҳикоялар ва ҳангомалардан иборат, серия сифатида чоп этиб борилувчи тўпламларнинг биринчисини ҳавола этаямиз.*

*Бу, серияни ташкил этишимизга сабаб — сизнинг кулгу-севарлигингиз ва ҳозирги пайтда юқори савиядаги, беихтиёр табассум уйғотадиган асарларнинг кўп эмаслигидир. Матбуотимизда, айниқса, аудио-видео ёзувларда аксарият бачкана гапли, қитиқласа ҳам зўрға жилмайтирадиган асарлар пайдо бўлиб қолаяпти. Бу эса инсоннинг умумий маънавий савиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин деб ўйлаймиз. Шунинг учун, биз, яъни «Ёзувчи» нашриёти ва «Фантаст» нашрий ташкилоти, тўпламларимизда фақат оригинал, ҳамда яхши савиядаги ҳангома, ҳикоя ва ҳажввияларни эълон қилишга интилиб борамиз. Ўқинг, жилмайинг, табассум қилинг! Яхши кайфият ва келажакка ишонч сизга руҳий қувват беради.*

**Озод МЎЪМИН.**



## БИР ЎПИЧНИНГ БАҲОСИ

Бугун жуғрофия ўқитувчиси дарсга келмади. Хомток қиламан, деб сўридан йиқилиб, оёғини синдирипти. Ажойиб «ахшхабардан» кейин бир зумда синф бўшади-қолди.

Бундай қулай пайтдан фойдаланай, деб Сотволди уйга эмас, шаҳар марказидаги «Маданий моллар» магазинига қараб йўл олди. Батареяси ўтириб қолгани учун чўнтакда олиб юрадиган совун қутичасидек радиоси гапирмай қўйган.

У дўконга келганда соат беш минути кам бир бўлганди. Эшикни тортди, очилмади. Пештахта орқасига стакандан лабини чўччайтириб қайноқ чой ҳўплаётган сотувчи Суйдихон эшик томонга имо қилди. Сотволди ҳали шошганидан қарамаган экан. «Перерив» деган ёзув илиб қўйилганини энди кўрди.

Суйдихон атир шишасини чайқатиб қопқоғини чиқарди-да, икки қулоғининг тагига, томоқларига тегизди. Кейин ойнакка қараб сочларини тузатган бўлди. У эшикка чиқиб, дўконни қулфлаётганида Сотволди илтижо қилди.

— Опажон, иккитагина батарея керак бўлиб қолувди, бервора-қолинг, катта танаффус тугамай дарсга етиб борай.

Суйдихон унинг гапларини эшитмади. Эшитса ҳам парво қилмай ҳаммаёқни атир ҳидига тўлдириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Эшик олдида сигарета, жевачка, «Сникерс» сотиб ўтирган кампир ёнига соч-соқоли ўсиб кетган, белбоғига қиличдек пичоқ осган бадхўр бир бесўнақай йигит келди.

— Биззи хотин қани? - деди у.

Ундан саратон офтобида қолган қозонсочиқнинг қўланса ҳиди буруқсиб кетди.

— Абетка кетди, деди кампир. — Вой болам-е, яна ичибсан-да. Мунақа қилаверсанг, бир кун эмас, бир кун хотининг сени ташлаб кетади-я!

Маст унинг гапларига парво қилмай қўл силтади.

— Ўн сўм қарз бериб туринг, хотиним келганда беради.

— Бермайди. Тунов кунги беш сўмни зўрға ундирдим. Бундан буён эрим пул сўраса берманг, деб тайинлаган. Ўзинг бинойидек қўли гул қассобсан. Топиш-тутишинг ҳам икки рўзғорга етарди. Топганингни шу арақ ўлгур сўриб ташлади.

Маст бир мункиди-ю одамлар оқимига қўшилиб кетди.

Қассобларнинг хотинларига осон тутиб бўлмайди. Ҳар куни бир ўлимдан қоладилар. Айниқса маст қассоблар тушларида ҳам алаҳсираб мол сўядилар. Уйқусираб хотинини сўйиб қўйганлар ҳам кўп бўлган. Шунинг учун ҳам қассобларнинг хотинлари кечаси пичоқ, болталарни бекитиб қўядилар.

Сотволи нима қилишини, қаёққа боришини билмай, ҳайрон турарди. Сотувчи опа бир соатсиз келмайди. У кўчанинг нариги бетидаги истироҳат боғига кириб музқаймоқ емоқчи бўлди. Аксига олиб, музқаймоқ дўкони ҳам берк экан. У боғ айланиб юрди. Анҳор бўйидаги мажнунтол тагида дам олмоқчи бўлди. Бу ердаги скамейка ҳам банд. Икки ошиқ-мошиқ бир-бирининг пинжига суқулиб, хўрсиниб ўтиришипти. Улар анҳорга қараб ўтирганликлари учун орқада ким борлигини билишмасди. Эркак бўйинини чўзиб аёлнинг юзидан ўпди. Аёл қиқирлаб кулди. Шунда йигит уни елкасидан тортиб ўзига қаратди-да, яна чўпиллатиб ўпа бошлади. Йигитнинг дўпписи скамейка орқасига тушди. Қўл узатиб олаётганда кўзи Сотволдига тушдию қимирламай қолди. Ердан олган дўппи худди бир тонналик юк бўлиб туюлди. У дўппини нима қилишини билмай бақрайиб тураверди.

У Сотволдининг дадаси Тўлаган эди. Ота-бола анча пайтгача кўз уриштириб қолишди. Охири Тўлаган ғазаб билан боласига ўшқирди:

— Мактабга бормаи буёқларда нима қилиб юрибсан, аҳмоқ?!

— Ўзингиз ишга бормаи, бегона хотин билан нима қилиб юрибсиз? - деди Сотволди ҳам бўш келмай. Тўлаган ёнидаги жувонга қаради.

— Сиз кетаверинг, чойимизга пашша тушди. Бу аҳмоқ билан ўзим гаплашиб қўяман.

Жувон ўрнидан турганда Сотволди унинг юзини аниқ кўрди. У «Маданий моллар» дўконигаги Суйдихон эди. У бетартиб очилиб кетган ёқасининг тугмаларини қадаб, икки кўкрагининг тагини кафти билан беозор кўтариб, Сотволдига еворгудек бўлиб қаради. Кейин қизил қум сепилган йўлқадан жаҳл билан юриб кетди.

Ота-бола дарвозасигача жим келишди.

— Ўзинг яхши боласан-ку, ойингга айтмай қўяқол, — деди ялинган оҳангда дадаси.

— Айтаман, — деди қатъий қилиб Сотволди.

— Айтма, болам, ойингни жаҳлини биласан-ку.

— Барибир айтаман. Сизни бир каратэ қилиб қўйсинлар.

Сотволдининг онаси ростдан ҳам аёллар ўртасида каратэ бўйи-

ча мамлакат чемпиони эди. Оёғининг бети билан иякка тепса, ҳар қандай одам ҳам чирпирак бўлиб кетади.

— Жон болам, айтма. Айтмасанг, батарей олиб бераман.

— Чирогингизни пишириб енг. Магнитофон олиб берсангиз айтмайман.

— Вой-бў, жуда қиммат нарса-ку. Бўпти, сен кетавер, кечқурун ўзим олиб бораман.

— Ҳозир олиб берасиз.

— Оббо, жудаям хирасан-да. Лўлимисан, нима бало. Бола эмас, шилимшиқ, шилқим бир нарса экансан. Бўпти, юр.

— Японскийсидан бўлсин...

Тўлаганнинг тишлари қичирлаб кетди.

Хуллас, Сотволди уйга яп-янги япон магнитофонини кўтариб келди. Эртасигаёқ бу хабар ўртоқларининг қулоғига етди. Етти-саккиз бола ҳар хил кассетларни опкелиб роса бақиртиришди.

Кечқурун Марҳаматхон эрига ҳасрат қилиб қолди:

— Болангизни тергаб қўйинг, уйимиз бозор бўлиб кетди-ку.

Тили қисик Тўлаган ўғлига гўрни бир нима деёладими.

— Ҳа, энди, бир-икки кунда кўнглига тегади, тинчиб қоласан, - деб қўяқолди.

Тўлаган ишдан келса хотини тўрсайиб ўтирибди. Ярамас бола сирни очиб қўйган шекилли, деб юраги орқага тортиб кетди. Ўғлини четга чақириб, ойингга ҳеч нима демаганмидинг, деди қўрқапписа.

— Йўқ, — деди Сотволди. - Энди айтмоқчи эдим.

— Айтакўрма. Айтсанг калтак ейсан, — деди у боласига пўписа қилиб.

— Видео олиб берсангиз айтмайман. Бўлмаса албатта айтаман.

Тўлаган дод деб юборай деди. Урмоқчи бўлиб мушт кўтарди, мушт боланинг бошига келганда панжалари ёзилиб кетди. Бошини силай бошлади.

— Жон болам, айтмагин.

— Айтаман.

— Болам, болажоним, дўмбоқ болам, оппоқ болам...

— Лаганбардорлик қилманг, фойдаси йўқ.

Ичкари уйдан Марҳаматхоннинг овози келди.

— Ота-бола нимани гаплашаяписизлар?

Тўлаган шошиб жавоб қилди.

— Футболчи Миржалол Қосимов тўғрисида гаплашаяпмиз.

— Гап битта, — деди Сотволди. - Ё видео олиб берасиз, ё ойим-

дан калтак ейсиз. Хоҳлаганингизни танланг. Аммо-лекин эртага кундуз соат нол-ноль иккида видео столимнинг устида бўлсин, — деди-ю чиқди-кетди.

Тўлаган пешонасига шапиллатиб урганича қолди.

Эртасига ўқишдан воҳликкина қайтган Сотволди соат икки бўлиши билан эшик олдига чиқди. Дадаси билан ишлайдиган киши машинада ҳали картон қутиси очилмаган видео билан иккита кассета олиб келди.

Сотволдининг ётоғи ҳар хил нарсаларга аста тўлиб борарди. Айтганча, у Суйдининг дўконига бориб, бермасанг, эрингга айтаман, деб битта фотоаппарат билан беш-ўнта рангли плёнка ундириб келди. Ўша кундан бошлаб Сотволдининг кўзидан витринада турган видео камера кетмай қолди. Барибир, шунини ҳам ундираман, деб дилига тугди.

Бу бола эр-хотинга жуда қимматга тушганди. Негадир уларнинг болалари турмасди. Икки-уч ойгина яшаб, уларни доғда қолдириб кетарди. Мана шу Сотволди дунёга келганда ирим қилиб болани туғруқхонадан ўзлари эмас, қўшнилари Анзират хола олиб келган ва икки киши гувоҳлигида уларга минг сўмга сотган эди. Номининг Сотволдиллиги ҳам шундан эди.

— Хотин, — деди Тўлаган бир куни. — Бир нарсага ҳайронман. Менинг бурним япасқи, сенинг иягинг паст. Мен буғдойранг, сен оппоққинасан, боламиз нечукким қирра бурун, қоп-қора сочлари дингала, худди Пушкиннинг бола пайтига ўхшайди. Мабодо туғруқхонада бировнинг боласига айрибош қилиб қўйишмаганмикин? Уруғимизда бунақанги башарали одам бўлмаган эди шекилли. Лўли-пўлининг боласи эмасмикин?

— Э, гапингиз қурсин...

— Ўша сен ётган роддомда биронта лўли хотин туғмаганмиди? Марҳаматхон ўйланиб қолди.

— Қайдам. Бир лўли хотин бола кўрди, дегандек гап бўлганди шекилли.

Тўлаган икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Ана, айтмадимми? Бу бола лўли, қилиқлари ҳам лўлича. Дутор олиб бердим, қарамади, рубоб олиб бердим, ушлаб ҳам кўрмади. Чилдирма олиб келганимда қўлимдан юлиб олди-ю дарангла-тиб чалишга тушиб кетди. Лўлилар чилдирмага ўч бўлади-да. Ўн иккига энди кирди, мўйлаби чиқяпти. Умуман, лўли болаларнинг мўйлаби тез чиқади, дейишади.

Тўлаганнинг кўнглига ғулув тушди.

— Ҳамма айб Анзират холада. Туғуруқхонадан қанақа болалигини суриштирмай, қанақасини берса индамай кўтариб келаверган.

— Ўлган одамнинг орқасидан маломат қилманг, гуноҳга ботасиз. Уялинг-е, ўз болангиздан тонмоқчисиз-а? Боламиз, худога шукр, эсли-қушли, ойдек бола. Ҳали кўрасиз, бир-икки йилда лочиндек, қарчигаидек бўлиб кетади. Бу гапни бир айтдингиз, иккинчи оғзингизга олманг.

— Хўп, хўп, — деди айтган гапидан пушаймон бўлган Тўлаган. - Бир айтдим-қўйдим-да.

Сотволди «Маданий моллар»га келганда Суйдининг эри пештахтага тиралиб, ана йиқиламан, мана йиқиламан, деб аранг турган экан. Сотволди уни кўриб эски қадрдонлардек қуюқ кўриша кетди.

— Амаки, яхши юрибсизми, кўринмайсиз? Одамлар сизни жуда зўр қассоб, молни оёғини бойламасдан сўйиб ташлайверади, дейишади. Шу ростми?

— Рост, - деди у.

Суйдихоннинг бу хира, безбет, шилқим бола эримга қадрдон чиқиб қолди-ку, ҳамма гапни айтиб берган бўлса-я, деган гап кўнглидан ўтди.

— Ҳой, оповси, эр-хотин гаплашаётганда ўртага тушма-да, ўргилай. Ҳозир сен чиқиб тургин, амакинг кетганларида ўзим чақираман.

Сотволди мастга қараб, бўпти, амаки, ҳали гаплашамиз, деб ташқарига чиқиб кетди.

Кампир эшик олдида касод бозоридан нолирди.

— Шу бугун олтигагина жевачка сотдим. Манави сўқим ёнимга келиб ўтириб олади. Болалар унинг вазоҳатидан қўрқиб, яқинимга келишмайди.

Кампирнинг ҳасратидан чанг чиқарди.

— Биласанми, болам, бу пиёниста ўлгир аввалги хотинини сўйиб қўйиб, ўн икки йил ётиб келган. Шундан кейин ҳам кўзи очилмади.

Сал ўтмай маст гандираклар-гандираклар қўлида иккита беш сўмликни гижимлаганча чиқиб вино дўконига кириб кетди. Сотволди ичкарига кирди.

— Амакингга ҳеч нарса демадингми? — деди Суйди хавотирланиб.

— Энди айтмоқчидим, гаплашгани қўймадингиз-ку!

— Жинни-минни бўлганмисан, тунов куни фотоаппарат берганимда бировга айтмайман, деб сўз бергандинг-ку, нега айниб қол-



динг?

— Мени лақиллатаман, деб ўйламанг. Бу битта фотоаппарат билан битадиган иш эмас.

— Ҳа, нима билан битади, бўлмасам? - деди алам билан Суйди.

— Жирилламанг, эрингиз аввалги хотинини сўйиб қўйганини эсингиздан чиқазманг.

Суйдининг кўзлари тиниб кетди. Бу безбет болани нима қилса бўлади. Уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса. Айтган нарчасини бермасанг, шармандангни чиқарса. Э, худо, қандоқ балога гирифтор қилдинг мени.

— Айт, яна нима деб келдинг?

Сотволди биқинига «Тошиба» деб ёзилган видеокамерани имлаб кўрсатди.

— Вой, мени хонавайрон қиласан-ку, биласанми, бу камера неча сўм туради?

— Мен билишим шарт эмас, сиз билсангиз бўлди-да.

— Айнанай сендан, ўргилай сендан, сал арзонроқ нарса сўрагин. Эрим ўлгир-ку, совдадан пеш тушган пулни пеш олиб турипти. Энди сенинг қилигинг ортиқча бўляпти. Чўнтакда олиб юрадиган транзистор радио берақолай.

— Уни кейинги келганимда берасиз.

— Вой менгина ўлай, ҳали яна келаман дегин.

— Албатта-да, Сотволди. — Тез-тез келиб тураман. Камерани берасизми ё бермайсизми? Битта гапиринг. Ҳозир ташқарига чиқиб келай, амаким кетиб қолмадимикин?

— Шошма, — деди Суйди жаҳл билан, камерани пештахта устига тақиллатиб қўярган. — Ма, ол, худоё худовандо шу камера...

— Қаргаманг. Жаҳлим ёмон. Рози бўлмасангиз, олмайман.

— Вой, ноз қилади-я, бу безбет.

Сотволди камерани кўтариб чиқиб кетаркан, Суйди орқасидан жовраб қолди.

— Шу дўконда иккинчи қорангни кўрмай. Мени бўғизлаб кетдинг! Ўлдирдинг!

Унинг безовта овозидан ҳушёр тортган эри эшикка бош суқди.

— Нима гап, тинчликми?

— Дўконда каламуш пайдо бўпти. Кўриб қўрқиб кетдим.

— Кап-катта хотин каламушдан қўрққанингга ҳайронман.

Сотволдининг дадаси Суйдихонни ўпганига ҳам бир ойдан ошди. Бу орада Сотволди дадасидан моторли велосипед, Суйдихондан нархи палон пуллик рангли телевизор, дадасидан жез тугмали кос-

тум, Суйдихондан кўнғироқ чаладиган электрон соат, дадасидан кўчада юриб ҳам гаплашадиган масофали телефон, Суйдихондан компьютер ўйин ундирди. Булар ҳали ҳолва. «Маданий моллар»да кўзини ўйнатиб турган бутун дунёдаги жами телекўрсатувларни бемалол оладиган спутник антенасини мўлжаллаб қўйган.

Бирон ҳафта оралатиб Сотволди ўша антеннани ундиргани «Маданий моллар»га борган эди, дўкон берк экан. Нима қилишини билмай ўйланиб турган эди, жевачка сотадиган кампир:

— Кутмай қўяқол, болам. Суйдихон бояқиш ҳали-бери келмайди. Дўкон печатланган. Ревизиядан қирқ бир минг камомад чиқди. Уч кун ичида тўлаб қўймасанг, ишингни судга оширамиз, дейишипти. Бечора бўйнидаги ўн олти қатор марваридларини, билагузуг-у зиракларини рўмолчасига тугиб бозорга кетди.

Тавба, Сотволдининг ҳисобига қараганда, камомад ўттиз саккиз минг бўлиши керак эди-ку. Нега бунақа кўп ҳисоблашдийкин...

Сотволди спутник антеннасидан умидини узиб, дадасининг дўқони томон кетди.

Кичкинагина тижорат дўқонида дадаси шериги билан жанжаллашаётган экан.

— Ахир шу бир ой ичида 22 минг сўм олдингиз. Аввалги ойда олганларингизни қўшиб ҳисоблаганда 54 минг сўм бўлади. Бу дўқонни очганимизда иккаламиз 50 минг сўмдан қўшган эдик. Энди сиз билан ора очиқ бўлдик. Шерикликдан чиқдингиз, калитни беринг...

Оббо тулки-е, уч минг сўм қўшиб ҳисоблади-я. Дадамнинг қанча олганини мен биламан-ку.

Сотволди қолган гапларни эшитмай орқасига қайтди. Мана, икки ойдирки, у на Суйдихондан, на дадасидан бир нима ундиради.

Дадаси ҳар куни эрталаб мардикор бозорига, чиқиб кетганича кечкурун қоронғи тушганда ҳориб-чарчаб қайтади. Ёстиққа бош қўяди-ю, пиш-пиш ухлаб қолади.

Дадасига раҳми келган Сотволди бир кўнглида: «Дадамни тилла магазинида ишлайдиган Доно хола билан таништириб қўйсам-микин», деб ўйлаб ҳам кўрди. Марваридлари шода-шода, узуклари, зираклари бириллиант. Нимаси қийин, гапга солиб туриб битта ўпса бўлди. Эри баджаҳл мелиса, тўппончасиям бор. Буёғини менга қўйиб берсин. Эрингга айтаман, десам, тамом. Боплайман.

Кунора даромад қилиб ўрганган Сотволди «бечора» жудаям сиқилиб кетди. Охири велосипедига кўнғироқ олиш учун «Динамо» магазинига борган эди, тротуарга табуретка қўйиб жевачка, сигарет, лоторея сотаётган Суйдихонни кўриб қолди. Унинг ёнида эри.

емга тўйган буқадек бўлиб пишқириб, қиличдек пичоғи билан тирноғини олиб ўтирарди.

Энди Суйдихоннинг ҳар биттаси тешиккулчадек келадиган тилла билагузуклари, шода-шода марваридлари, бириллиант кўзли узугу зираклари йўқ эди. Кийимлари ҳам, пардози ҳам илгаригича эмас.

У Сотволдини кўрдию оёғи остида ётган яримта гиштин олиб унга интилди.

— Э, ўпмай даданг ўлсин. Ўптирмай мен ўлай...

Сотволди одамлар оқимига шўнғиб кетди.

## **ЭГАР БОЗОРИ**

(янги дўкондорлар ўқимасин)

Бутун республикадаги жамики магазинларни айланиб чиқсангиз, прилавкада чанг босиб ётган эгар, арқон, арава михини кўрасиз. Бу моллар ўн-ўн беш йиллардан бери сотилмай ётади. Аммо шаҳарнинг қоқ ўртасидаги хўжалик моллари дўқонида бу молларнинг уруғи ҳам топилмайди. Ҳар ҳафтада базага шу дўқондан заявка келади.

«...Бизга элликта эгар, икки юз кило арава михи, икки минг метр жун арқон юборинг».

Шу дўқоннинг шикоят дафтарини ўқисангиз, яна шу гап:

«Дўқон мудирини келган арқонларни, эгар ва арава михларни ўз ошна-оғайниларига сотаяпти...»

Бошқа дўқонларда йилдан-йилга сурилиб ётган арқону эгарларни шу дўқонга юбора бошлашди. Барибир етишмайди. Заявка устига заявка. Яқин олти ой ичида республикамизнинг ҳамма дўқонларидан эгарлар қайтариб олиб келинди. Шу дўқонга юборилди.

Орадан сал кун ўтмай, яна заявка. Эгар, арқон, арава михи...

Энди фабрикага заявка бера бошлашди. Фабрика эгар чиқариб улгуролмай қолди. Пеш чиққани пеш бу дўқонга жўнатилиб турди. Шаҳар савдо бўлимининг бошлиғи ҳар куни эрталаб машинада шу дўқон олдида ўтаётганда навбат кутиб турган кишиларни кўради. Кечкурун қайтишда эгар кўтарган, арқон қўлтиқлаган кишиларни учратади.

Бугун савдо бошқармасининг ходимлари бу дўқонда эгар, арава михига бунчалик талаб катталигининг сирини билиш учун тўрт-беш киши бўлиб дўқонга боришмоқчи бўлишди. Шундай қилишди.

Олти киши дўқонга боришди.

Дўқонда одам кўп. Яқин бориб бўлмайди. Дўқоннинг орқа тара-

фидан киришди. Ташқарида тўполон бўлиб кетди.

— Навбатсиз кирганлар чиқариб юборилсин!

— Орқа тарафдан кирганлар чиқиб кетсин!

Савдо бошқармаси ходимлари қайтиб чиқишга мажбур бўлишди. Тушлик бўлгунча кўчада кутиб туришди. Ҳай, тушлик ҳам бўлди. Дўкон мудирлари уларни ичкарига бошлаб кирди.

Бир маҳал киришса, эгару арқон сотадиган бўлимда бир қиз ишлаётти. Ҳусн демаган ойнанинг ўзи. Кулганда, ҳаммаёқ, деворлар ҳам қўшилиб кулаётганга ўхшайди. Гапирса, танбур билан ғижжакни барабар чалаётгандек. Нафас олиши марварид шодасининг шилдирашига ўхшайди. Савдо бошқармаси раҳбарлари анграйганча қолишди.

Дўкон мудирлари мурожаат қилди:

— Хизмат? Ревизия қилмоқчисизларми?

— Йўқ, йўқ, — деди савдо бошқармаси бошлиғи. — Ўзимиз шундай. Бир-икки эгар билан, беш-олти метрдан арқон керак эди.

Хулласи, шаҳар савдо бўлиmidан келган казо-казолар дўконни текшириш ўрнига, ҳаммаси биттадан эгар, ўн метрдан арқон кўтариб чиқиб кетишди.

Улар чиқиб кетишаётганда: «Арава миҳи учун эртага яна келамиз, тамом қилиб қўйманг», деб тайинлашди.

Бу чиройли сотувчи жонон қиз қурмагур шаҳардаги ҳамма бўйдоқларни миҳлаб, арқонлаб, эгарлаб ташлади.

## ХОТИМА

Савдо бошқармаси мана шу воқеадан кейин шундай хулосага келди:

1926 йилдан бери база омборининг бир четидан чанг босиб ётган иккита омоч бор эди. Бу омочлар қирқ йилдан бери балансдан балансга ўтиб, ҳужжатларни хира қилиб келарди. Савдо бўлими бошлиқлари ўша омочларни ҳам шу дўконга юборишга аҳд қилишди. Шундай ҳам бўлди.

Ҳар иккала омоч ярим соатда сотилиб кетди. Эртасига зудлик билан яна элликта омоч юборинглар, деган заявка келди.

## ҚИЛИЧ КЕСОЛМАГАН БОШЛАР

Фафур Фулом Аҳмаджон заргар деган бир қадрдони билан боғ сайрига бориб, беш кун қолиб кетди. Ҳаёл билан бўлиб уйга огоҳлантириб кетиш эсларига келмабди.

Беш кундан кейин қайтиб келиб, уйга қандоқ киришни билмай,

ўйланиб қолишди. Аҳмаджон ака кўчадаги автомат телефондан Фафур аканинг кўнғироқ қилди:

— Муҳаррам опа, хавотир олманг, Фафур ака бизникида эдилар. Андижондан меҳмонлар келишган эди, кўзғолишнинг сира иложи бўлмади. Бугун албатта борадилар. Хотиним бечора меҳмон кутаман, деб чарчаб қолди.

Муҳаррам опа жавоб қилди:

— Хотинингиз сизни қидириб бизникига келганлар. Ҳозир ёнимда туриптилар. Трубкани берайми?

Аҳмаджон ака бўшашиб трубкани жойига илиб қўйди.

Иш чатоқ. Энди ҳеч қанақа баҳона ўтмайди.

— Аҳмаджон, — деди Фафур ака. — Қўлга тушдик. Эгилган бошни қилич кесмайди. Айда кетдик.

Икки ўртоқ дастрўмолларини оқ байроқ қилиб эшикдан киришди.

— Таслим бўламиз, бир қошиқ қонимиздан кечинглар, - дея гуноҳ қилган ёш боладек ҳиқиллаб тураверишди.

Муҳаррам опанинг кечиришдан бошқа иложи қолмаган эди.

## **ҚАЙСИ ОЙБЕК?**

Ойбек ака янги асар устида ишлаётганда жуда хаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан кўзи тушиб қолса, яна кўришаварди.

Домла Союз деворий газетасининг 1май сониди: «Ойбек янги романини тугатиш арафасида» деган ахборотни ўқиб туриб:

— Ойбек? Қайси Ойбек, оббо гўдайган-е, - деб юборди.

Шундан кейин ҳуши ўзига келиб, деворий газетага, кечирасизда, деди ва залга кириб кетди.

## **БЕЛИМДАН ЮҚОРИСИ ИШЛАМАЯПТИ**

Союзда мажлис бўладиган эди. Ойбек билан Фафур Фулом учрашиб қолишди.

— Гофир, - деди Ойбек. — Мажлисга кирасан-а? Бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқроқ, - деб баҳона қилди Фафур Фулом.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Фафур ака чап кўрагини кўрсатиб, шу ерим қаттиқ оғриб турипти, деди.

Бир оздан кейин иккови яна учрашиб қолишди.

— Гофир, мажлисга кирасан-а, бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқ, - деди Фафур ака.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Фафур ака аввал қайси кўрагини кўрсатганини унутиб ўнг кўрагини кўрсатди.

— Шу ерим жуда оғриб турипти.

— Боя чап кўрагим оғрияпти дегандинг. Энди ўнг кўрагингни кўрсатяпсан. Мени лақиллатяпсанми, гўдайган?

Фафур Фулом дарров жавоб қилди:

— Э, оғайни, умуман, белимдан юқориси мутлақо ишламай қўйди.

Ойбек аканинг унга раҳми келди:

— Ундоқ бўлса дарров уйингга бор. Шофёрга айтаман, обориб қўяди.

Фафур ака унга миннатдорчилик билдириб, машинага ўтирди-ю дўсти Аҳмадjon заргарнинг тўйига равона бўлди.

## **ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ**

Хоразмлик шоир Раҳим Бекниёз умрида луччак шафтолини кўрмаган экан. Абдулла Қаҳҳорни кўргани боғига кирганда домла дастурхонга ялтираб турган бир сават луччак шафтоли қўйди.

— Ия, - деди Раҳим Бекниёз, - домла, бу шафтолиларнинг жуни қани?

Абдулла Қаҳҳор жавоб қилди:

— Раҳимжон укам, сиз келасиз, деб шафтолиларни Қибрайдаги сартарошхонага опчиқиб жунини қирдириб келдим.

— Раҳмат, раҳмат, домла, бекорга овора бўпсиз-да, - деб миннатдорчилик билдирди Раҳим Бекниёз.

## **«КАЗБЕК» ТЕКНИГА ТУШДАН**

Бир шоир (ҳозир Халқ шоири унвонини олган) Шайхзода домладан 200 сўм пул қарз олиб, бермай қочиб юрганди.

Домла пулдан кўнгил узолмай юрарди. Бир куни у Туроб Тўла билан учрашиб қолди.

— Бир иш бор, шоир афандим. Агар эпласангиз, осонгина 150 сўм ишлаб оласиз. Бир шогирдимиз мендан 200 сўм пул қарз олган. Шу қарзни сизга 50 сўмга сотаман, оласизми?

— Инсоф қилинг, Шайх ака, - деди Туроб Тўла. - Миртемир домла ўша шоирга қарз берган 500 сўм пулни менга уч сўмга сотдилар.

Агар хўп десангиз, ўша икки юз сўмингизга икки сўм берай. Унди-ролмасам нақд икки сўмга куйиб қолишим мумкин.

Шайхзода ўйланиб туриб қўлини ситтади.

— Бўпти. Унмайдиган 198 сўмдан нақд икки сўм яхши. Бугун ўнг ёнбошим билан турган эканман, икки қадам босмасимдан икки сўм ишладим. Қани, чиқазинг, шоир. Бир пачка «Казбек» текинга тушди!

## **ҚОВУН ТУШИРАЙ ДЕБМАН-КУ!**

Миртемир домла кейинги пайтларда яхши эшитмайдиган бўлиб қолгандилар. Туйғун деган шоир вафот қилган кунни жанозага машинасиз борақолай, деб кўчадан такси тўхтатдим. Қарасам, таксида домла Миртемир бир кучоқ гул кўтариб ўтириптилар. Аввалига, китобхонлар билан учрашувдан келяптилар, деб ўйладим. Аммо ёнларидаги ўриндиқда бир коробка «торт» билан тўрхалтада икки-та коньякни кўриб ҳайрон бўлдим.

— Йўл бўлсин, домла? - дедим.

— Туйғунни кига. Союздан телефон қилиб соат иккида Туйғунни кига келинг, дейишди. Тўйга қуруқ бормаи, деб магазиндан у-бу олдим.

— Домла, — дедим, - Туйғунни кига тўй бўлаётгани йўқ. Бечора бандаликни бажо келитрипти. Пешин намозида жанозаси ўқилади.

— Ия, ия, оз бўлмаса қовун туширай депман-ку.

У шундай деб, шофёрнинг елкасига қўлини қўйди.

— Бўтам, орқага қайт. Манавуларни уйга ташлаб, кейин борамиз. - Сўнг домла менга ўгирилиб: - Жанозадан кейин бизни кига келамиз. Икковимиз манавуларни ичиб, Туйғуннинг «поминка»сини ўтказамиз, - деди.

## **ҚАЙТИБ БЕРМАСАНГ ҲАМ МАЙАН**

Туйғун Ёзувчилар уюшмасида партком секретари эди. Ўша кезларни ёзувчилар пайдар-пай қамалиб турган пайт. Собир Абдуллани «Алпомиш» пьесаси учун нари обориб, бери опкелиб турган эдилар. Собир ака ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб кечаси кийимини ечмай, тайёр бўлиб, тиқ этса эшикка қулоқ солиб ётарди.

Союздан секретар ўрис хотин телефон қилиб эрталаб соат ўнга зудлик билан ўртоқ Туйғун Шукуржоновага учрашинг, деб хабар қилди.

Собир ака Саодат опа билан, бола-чақалари билан, кўришол-

май қолсак хайр энди, деб ҳаллослаганча уюшмага етиб келди. Қабулхонада бир соат ўтирди, икки соат ўтирди, уч соат ўтирди. Туйғун у ёққа ўтади, индамайди, бу ёққа ўтади, индамайди. Охири, тоқати тоқ бўлган Собир Абдулла эшикни очиб қўрқа-писа ичкарига мўралади. Туйғун:

— Киравер, Собир. Бу ерда нима қилиб юрибсан? - деб сўради ундан.

— Соат ўнга чақирган экансан. Нима гап, тинчликми? Очигини айтавер, ҳаммасига тайёрман.

Туйғун унинг гапларига тушунмай ҳайрон эди.

— Айтавер, айтавер, нима гап?

Туйғун узоқ ўйлангандан кейин гапи ёдига тушди:

— Ҳа, энди эсимга тушди. Рўзгорга пул қолмаяпти. 50 сўм қарз сўрамоқчи эдим. Шунга чакирдим. Ойлик чиққанда қайтариб берман.

Собир ака севиниб кетди. Ёнидан бир даста пул олиб столга ташлади.

— Шу икки юз сўмнинг ҳаммаси сенга. Қайтиб бермасанг ҳам майли.

У шундай деди-ю, тезроқ уйга бориб, бола-чақаларини тинчи-тиш учун хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

## **ЮР, ЮВАМИЗ!**

Урушнинг охирларида «Бадавлат келин» деган бир ҳикоям «Ёш Ленинчи» газетасида босилган эди. Ҳикояда урушдан қайтиб келиб уйланомай юрган бир йигитнинг заёмдан 25 минг сўм пул ютгани ва шу пулга уйланиб олгани тасвирланган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йилларда тирикчилик оғир, қимматчилик эди. Йигитлар тўйга пул тополмай осонгинаси шу, деб фронтдан уйланиб қайтишаётган эди.

Ўша ҳикоямни «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Совет воқелигимизга туҳмат, фаровон ҳаётимизни қоралаб кўрсатган» деб ёзишди.

Ўша кунни редакция олдида хафа бўлиб турган эдим, Фафур ака келиб қолдилар. Аҳволимни криб, сенга нима бўлди, деб сўрадилар. Мени газетада уриб чиққанларини айтдим. Домла кулдилар.

— Вой тентак-е. Шунга хафа бўлиб ўтирипсанми? Биласанми, ўша вақтда мени уриб чиқмаган газета қолмаган. Ҳатто Қўйлиқдаги корейслар газетасида ҳам дўппослашган. Бу ҳам майли-я. Ача-



вотдаги лўлилар маҳалласида чиқадиган «Қизил лўли» деворий газетасида ҳам «Ғафур Ғилом вараг народ» деб ёзган. Фельетон бўлмаган ҳофиз ҳофизми, газетада урилмаган ёзувчи ёзувчиси. Айда, кетдик. Газетада урилганини ювамиз.

Кечгача Ғафур ака билан юриб, хафачилигим ёзилиб кетганини билмай қолибман.

## «ОҚ УЙ»

Атрофи кунгира панжаралар билан ўралган уч қаватли бу уйни микрорайондагилар «Оқ уй» деб» аташарди. Унда обком ва горком ходимлари яшайдилар. Фақат пастдаги икки хонали уй семон заводининг ишчиси, жиндек-жиндек отиб, ширингина кайф қилиб юрадиган, бир этак боланинг отаси Қодиржон акага текканди.

Шундоқ казо-казолар орасига бу одам қандай қўшилиб қолдикин, деб ўйлашингиз мумкин. Обкомнинг маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи Турсунбоев бир иш қилса, билиб қиладиганлардан эди. Бу уйда шонли ишчи синфининг вакиллари ҳам бор, деб айтиш учун атайин шундай қилганди.

Қодиржон ака уйнинг ўқ ўтмас қалқони ҳисобланарди.

Бошқа уйлар бир-бирига елка тираб, бир-бирига офтоб туширмайдиган қилиб қурилган. Аммо «оқ уй»нинг атрофи очиқ. Баҳаво Олди гулзор, икки ёнида арчаю сарвлар қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб туради. Болалар майдончаси панжара ичкарасида бўлганидан бошқа «дом»лардаги болалар буёққа киритилмасди. Семон ҳовузчада фақат «Оқ уй» болалари чўмилишарди.

«Оқ уй»нинг микрорайон ҳаётидаги ижобий ўрни тўғрисида ҳам гапириш керак. Шу уй бор экан, микрорайонда электр ўчмайди. Ўчса ҳам икки минутга қолмай ёнади. Водопровод қувурлари ёрилмайди. Газ бир меъёрда келиб туради. Ўғри ораламайди, тонг отгунча милиционер уй атрофини айланиб юради.

Тонг отар-отмас «оқ уй» олдига «Москвич» фурғони келади. Оқ халат кийган давангирдек бир йигит этажма-этаж юриб картон қутилар тарқатади. Бу қутиларда бир кун олдин телефонда берилган буюртмага биноан қора-қизил икра, янги сўйилган қўй гўшти, қоғоз банкада қаймоқ, апельсин, ҳинд чой, кўк ва қази каби ноёб емишликлар бор.

Қодиржон неварасининг апельсин пўчоғини ҳидлаб юрганни кўриб юраклари эзилиб кетди. Эртаси кун у фурғонда келган йигитдан икки дона апельсин сўраганди, бермади. «Ҳожиматова аядан

сўранг, «хўп» десалар бераман», деди-ю юқорига чиқиб кетди. Бир оздан кейин иккинчи қаватдан Ҳожиматова аянинг шанғи овози эшитилди. «Оббо, шу алкашнинг боласига апельсин ейишни ким қўйибди!»

Дили вайрон Қодиржон бозорга бориб апельсин тополмади, охири вокзалга чиқиб, вагон-ресторандан иккитагина апельсин сотиб олди.

«Оқ уйда»гилар маҳаллада бўладиган тўй-маросимда қатнашмайдилар. Хонимлар эса қаланғи-қасанғи қўшнилари ни назар-писанд қилмайдилар.

«Оқ уй»га бирон марта бўлсин пиёда одам келганини биров эслаёлмайди (Қодиржоннинг уйи бундан мустасно). Болалари яслидан то институтни битирмагунларича машинадан тушишмасди. (Қодиржоннинг болалари бундан мустасно.)

Учинчи қаватда яшайдиган Марлен деган киши бандаликни бажо келтирди. «Оқ уй» хонимлари ателье моддан шошилинич икки чевар чақиртириб эрталабгача қора кўйлак тикдиришди. Марҳум детдомда ўсган экан, бирга тарбияланган уч-тўртта дўстлари етиб келишди. Аммо ўғли келмади. БАМда уйланиб, қолиб кетган экан. Ундан: «Квартал охири бўлгани учун ишлар кўп, объект топширишим керак, ўзларинг кўмиб қўяқолинглар!» деган телеграмма олинди.

Вохликкина етиб келган ювғучи пастда, кўпчилик ичида ўтирар, бу ҳунар унга бобосидан қолганини, падари бузруквори Тошкентни ўрислар олганда шаҳид бўлганлардан икки юз кишини, ҳатто Тошкент беги Алимқул бекни ҳам ўзи ювганини, «Шаҳидон» қабристонида ётган марҳумларнинг деярли ҳаммасини ўзи кафанлаганини ширин бир энтикиш билан гапириб ўтирарди. Дадаси эса икки министр, уч артист, полковник-майорлардан ўн биттасини ювгани, у кишидан кейин ўзи ота касбини улуғлаб уч ёзувчи, беш депутатни ювганини завқ-шавқ билан ҳикоя қиларди.

Юқоридан «мурда тайёр» деган хабар тушди. Ювғучи «бисмилло» дея юқорига чиқиб кетди. Ўн минутча вақт ўтмай, қайтиб тушди.

— Бўлмайди. Ювмайман, дедимми, ювмайман. Суннат қилинмаган мурдани ювиб, гуноҳга ботмайман. Всё!

У шундай деди-ю этагини силкитганича кетди, қолди. Энди нима қилиш керак. Мурдани суннат қилиб бўлмаса.

Маслаҳат билан мурдани Қодиржон ака ювадиган бўлди. Унга босиб-босиб икки пиёла ичиришди. У «опкел, ўлигингни» деганча мурда ётган хонага кириб кетди...

Буни қаранг-ки, тўсатдан замон ўзгарди. Ер курраси тескарисига айланиб, ҳаммаёқ остин-устун бўлди. Микрорайондаги «оқ уй»дан путур кетди. Энди электр тез-тез ўчадиган, шу ўчганича эртасигача ёнмайдиган, водопровод қувурлари бот-бот ёриладиган, икки-уч кунгача сув келмай қоладиган, газ шам пилигидек липиллаб ёнадиган бўлди.

Ҳар куни тонг пайтида келадиган «Москвич» фургон йўқ бўлиб кетди.

«Оқ уй» аҳолиси қимтиниб, атрофга аланглаб, магазинга нонга чиқади. Эрталаб ёнбошига «Молоко» деб ёзилган машина келганда шиша банка кўтариб, навбатга туришади.

Улар секин-аста тўйларга, жанозаларга чиқа бошлашди. Айниқса биттаси горкомнинг собиқ идеология бўлими мудир, Куръонни жуда чиройли қироат қилар экан, уни ифторликларга, жанозаларга олиб борадиган бўлишди.

«Оқ уй» хонимлари ҳам бинойидек одамлар экан. Бешик тўйларига, қизлар базмларига қатнашадиган бўлишди. Ўртага тортишса, шох ташлаб, бармоқларини шиқиллатиб ўйинга тушадиганлари ҳам бор экан.

Микрорайонга эрта азон «мусор» машинаси келади. У тинимсиз сигнал бериб, тўхтамай кетаверади. Бошқалар қатори «оқ уй» эркаклари ҳам пақирда, картон қутида, тоғорада, қоғоз қопда ахлат кўтариб машина орқасидан югуришади.

Шундай пайтларда бош оғриғини босиш учун жиндек отиб олган Қодиржон улар орқасидан қичқиради:

— Коммунистлар, олға!

Кейин Қодиржон бирпас нафасини ростлайди. Чап қўлини шимининг чўнтагига тикади. Ўнг қўлини олдинга чўзиб:

— Сиз тўғри йўлдан кетаяпсиз, ўртоқлар! - деб қичқиради.

\* \* \*

*Эркин УСМОНОВ*

## **«ЭКСПОНАТ»**

Вилоят соғлиқни сақлаш музейига текширувчилар келадиган бўлиб қолишди.

Катта тайёргарлик бошланди. Ҳаммаёқ артиб-суртилган, деворлар оқланиб, поллар бўялган, катта-кичик шиша идишларга солиб қўйилган буйрак, юрак, ўпка-ю, жигарлар янгидан тайёрланган...

Қисқаси, ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди.

Музей директори Боқибоев азалдан шунақа, пишиқ-пухта, ҳаммани қойил қолдириш истагида ёниб юрадиган одам эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Текширувчилар музейнинг саранжом-саришталигига қойил қолишди. Музей каталакдеккина иккита хонага жойлашганига қарамай, экспонатларга бойлиги, турли тиббий адабиётлар-у, одам ички аъзолари, ичак-чавақларининг суратлари чизилган расмлар, тиббий кўргазма қуролларнинг кўплигини тоза мақташди. Айниқса, улар музей залидаги иккита гаройиб экспонат ҳайратда қолдирди.

... Одам бўйи келадиган иккита ойнаванд шкаф ичига ўрнатилган одамсимон маҳлуқлар ҳақиқатан ҳам нақ мўъжизанинг ўзи эди.

Ойнаванд шкафларнинг бирини ичида озиб-тўзиб, лақашиқилдоқ бўлиб қолаётган ўрта ёшлардаги киши ўрнатилган бўлиб, унинг ранги захил, кўзлари сарғайиб, кўкимтир, қорамтир томирлари терисини ёриб чиққудек бўртиб турарди. Озгин бармоқлари орасида эса чала чекилган «Саратон» сигарети қистириғлиқ эди.

Тагига эса йирик-йирик ҳарфларда «40 ЙИЛ ЧЕККАН ОДАМ. АГАР ЧЕКИШДЕК ЯРАМАС ОДАТДАН ВАҚТИДА ВОЗ КЕЧМАСАНГИЗ, СИЗ ҲАМ ШУ ОДАМНИНГ АҲВОЛИГА ТУШИБ ҚОЛАСИЗ» деган сўзлар ёзиб қўйилганди.

Иккинчи ойнаванд шкафнинг ичига эса жулдур кийимли, озгинликда қўшни шкафдаги одам билан баҳслашадиган бошқа бир киши ўрнатилган бўлиб, унинг афти-башараси яра-чақа бўлиб кетган, тошдек қотган маъносиз кўзлари қонга тўлиб, бодрингдек бурни помидордек қизариб, қилтириқ қўллари косовдек қорайиб кетган эди.

Унинг тагига эса «40 ЙИЛДАН БЕРИ АРОҚ ИЧАДИГАН ОДАМ. ИЧКИЛИКДАН ЎЗ ВАҚТИДА ВОЗ КЕЧМАСАНГИЗ, ШУ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛАСИЗ» деб ёзиб қўйилганди.

Текширувчилар бу экспонатлардан батамом ҳайратда қолдилар. Боқибоевдан «Буларни қаердан топдингиз?», «Қанақа қилиб сақлаясиз?», «Ахир бунақаси ТошМИДа ҳам йўқ-ку?» дейишганди, у мамнун қиёфада илжайиб, «Буниси фирминний секрет» деб қўйди...

... Бу орада анҳор бўйидаги соя-салқин чойхонада ҳам дастурхон тахт қилиб қўйилганди. Меҳмонлар мезбонлар бошчилигида ўша тарафга йўл олишди.

Музей хоналари яна сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ва бирдан ичкиликбоз ва кашанда одам солиб қўйилган шкаф эшиклари фирчиллаб очилиб, иккала «экспонат» аста ерга тушишди.

-У-у-фф! Матқовул, одам ж.жа... сиқилиб кетди-ку-а? - деди кашанда керишиб, — Мен ишкоппи очиб ўт-бетимни ушлаб кўришармикин деб кўрқиб турувдим, қитигим бор-да!

— Э, падарига лаънат бунақа томошани! - унга жавобан норози оҳангда тўнғиллади ичкиликбоз одам, - Боқибоевнинг ўзи шахсан илтимос қилмаганида ўлақолсам ҳам рози бўлмасдим. Қани, чекишдан битта ол!

— Тўхта, аввал қиттак-қиттак отиб олмаймизми? - деди кашанда.

— Э, дарвоқе Боқибоев ярим литр спирт ваъда қилганди-ку! Чақир, дўхтирни!

Ва икковлари бақира кетишди: — Дўхтир! Ҳов, дўх-тир!...

Эшик очилиб, музей ходимаси кириб келди.

— Ҳозир, ҳозир келяпман, Матқовул ака! — деди ходима қўлидаги нарсани стол устига қўяркан, — Мана тайёр, хўжайин ҳаммасини тахт қилиб қўйганлар. Комиссасиям қуриб кетсин, томоқларинг ҳам тақиллаб кетгандир-а?

Кашанда қоп-қорайиб кетган сўйлоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Ичкиликбоз эса дўрдоқ лабларини ялаб тамшаниб қўйди ва деди:

— Томоқнинг тақиллаши ҳам гапми, суяқларимизгача шақиллаб кетди-ку! Олиб келақолинг, янга! Ярим пиёла сув бўлса бас, закускаси керакмас!...

## **ЛИРИК ВА ФИЗИК ҚИССАСИ**

Осмоннинг остида, ернинг устида икки дўст бор эдилар.

Бири - Лирик, бири - Физик.

Физик анчайин вазмин, совуққон ва дилидагини тилига чиқариб ташлайверадиған шартаки одам эди.

Лирик эса аксинча, анчайин бўш-баёв ва кўнгилчан, ҳар бир нарсани ўзига олаверадиған одам эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш машаққатлари аввало ана шу Лирикнинг қиёфасида акс эта бошлади.

Кунлардан бир куни у дўсти-физикка ҳасрат қилиб қолди.

— Яқин-ўрта бозорга тушдингми, дўстим? Битта сигарет фалон пула? «Астра» нима деган нарса? Илгари биров текинга берса, чекмасдим, шуям чайқовчиларнинг қўлида фалон пул! «Кент» - «пент» деганларидан чекай десанг, чўнтагингнинг чанги чиқиб кетади! Ҳайрон бўлиб қолдим...

Физик пинагини бузмай деди:

— Камроқ чекиш керак дўстим, камроқ чекиш керак!...

... Шу-шу, Лирик чекмайдиган бўлиб қолди. Кунлардан бир куни у яна дўстига хасратини тўкиб солди:

— Асти сўрама дўстим, қайси куни меҳмонлар келадиган эди. Ароқми-коньяк олай деб тижорат дўконига кирсам нархини кўриб эхсонам чиқиб кетди!...

Дўсти хотиржам оҳангда маслаҳат берди:

— Камроқ ичиш керак дўстим, камроқ ичиш керак!...

... Лирик шу-шу ичкиликдан ҳам юз ўгирди.

Кунлардан бир куни яна ҳасратидан чанг чиқиб кетди:

— Тушликда ошхонага чиқсам, бир порс лағмонни фалон сўм дейди-я!

Нон-чойи билан саксон олти сўммиш!...

Физик ўзига хос совуққонлик билан деди:

— Камроқ ейиш керак дўстим, камроқ ейиш керак!...

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Иккала дўст яна учрашиб қолишди. Лирик одатдагидек яна дийдиёсини бошлади.

— Яшашнинг маъноси қолмади, дўстим! Қайси куни тузукроқ костюм-шим олай деб дўконга кирсам...

— Эгнингдаги-чи? - дўстининг сўзини бўлди Физик.

— Э, бу мардикорнинг жомакорига ўхшаб қолди-ку! - бош чайқади Лирик.

— Унақада камроқ кийиш керак дўстим, камроқ кийиш керак! - маслаҳат берди Физик.

... Лирик дўстининг маслаҳатларига амал қилиб, чекишни ҳам, ичишни ҳам ташлади. Овқат емай, янги кийим киймай қўйди. Ва кунларнинг бирида афтодаҳол аҳволда дўстининг ҳузурига кириб келди.

— Тамом бўлдим, дўстим! — деди у йиғламсираб, — Мазам йўқ. Дори олиб ичай десам нархи осмонга чиқиб кетибди. Ололмадим!...

— Камроқ касал бўлиш керак дўстим, камроқ касал бўлиш керак! - деди Физик одатдагидек хотиржам оҳангда.

... Орадан кунлар ўтди. Лирик тоби қочиб, батамом ётиб қолди. Физик дўстини кўргани борди. Лирик ўрнидан аранг қўзғалиб, кўзларида ёш билан дардини тўкиб солди:

— Ҳаммаси тугади, дўстим! Адойи-тамом бўлдим... Яшагим келмай қолди.

— Камроқ яшаш керак дўстим, камроқ яшаш керак! - деди Физик ҳамдардлик билан.

\* \* \*

## АЙҒОҚЧИ

Марсликлар ниҳоят Ерни босиб олишга қарор қилишди.

— Ҳа, вақт етди, - деди бош вазир салмоқлаб. - Биз ўша машъум ҳалокатдан сўнг узоқ вақт марс остида яшадик. Энди гўзал яшил сайёрани босиб олиб, эркин яшаш вақти келди. Бунинг учун бизнинг куч-қудратимиз етарли.

— Худди шундай! - Ҳарбий вазир бир қадам олдинга чиқди. - Ўта қудратли космик кемалар қуриб битказилди. Буйруқ бўлса бас, биз Ерни қисқа вақт ичида ишғол қиламиз.

— Урра-а-а...! - Гулдираган овозлар чуқур қатлам остида жойлашган марсликларнинг энг катта шаҳарнинг узоқ-узоқларига эшитилди.

Бош вазир қўлини кўтариб, жимликка чақирди.

— Биз марсостига тушиб яшай бошлаганимиздан бери анча вақт ўтди. Ерга дастлаб айғоқчи жўнатишимиз керак. Бизга уларнинг тафаккури, ватанпарварлиги, ҳал қилувчи жангга тайёрлиги ҳақида маълумотлар керак. Ушбу шарафли вазифани сизга топширамыз, Эйбе. Эйбе Штурм бир қадам олдинга чиқиб бош силкиди.

— Фармонингиз сўзсиз, аъло даражада бажарилади.

Кўп ўтмай чуқур қудуқ устидаги оғир темир қопқоқ сурилиб, оловдек чақнаш юз берди. Марс юзасидан кўтарилган мўжазгина космик кема Ерга йўналиш олди.

Ерга етиб келиб Эйбе ўртача ривожланган давлатлардан бирини танлади. Махсус муолижадан сўнг ерликлар қиёфасига кирган Эйбе мамлакатдаги аҳоли энг кўп шаҳар, ундаги одам энг гавжум жойни танлади-да, ажралувчи блокка ўтди. Зум ўтмай Ерга қўнган Эйбе одамлар оқимига аралашиб кетди.

Отчопар бозорида бугун одам ҳар кунгидан сийрак, аксига олиб савдо жуда суст борарди. Собиқ физик олим, «доктор наук» ва бир неча йиллик ашаддий бизнесмен Тоҳир Моҳиров зерикканидан ўзини қўйгани жой тополмасди. У шу топда зўр бериб ўзига бир бекорчи ҳамсуҳбат қидирарди.

Эйбенинг мўжаз одамтанлар аппарати мия биотўлқинларини ўрганиб уни Тоҳир Моҳиров томонга йўналтирди. Вазиятни бир зумда баҳолаган Эйбе бир катта қути сигаретани йўқдан бор қилиб, Тоҳир Моҳировга яқинлашди.

— Ассалому алайкум! Биродар, жичча сурилмайсизми?

Тоҳир Моҳиров унга бошидан оёқ тикилди.

— Тақсир, сиз қаердан келиб қолдингиз? Осмондан тушдингизми?

Эйбенинг юраги орқага тортиб, ранги ўчиб кетди. «Тамом! Кўрибди-да?! Тавба, осмондан тушганимни дарров қаердан била қопти?!»

— Ҳа, нега бўзрайиб турибсиз, - деди Тоҳир Моҳиrow, овозини баландлатиб. — Қуруғидан узатсангиз битта танага жой топилади.

Эйбе «қуруғи» нималигига тушунмай, довдираб, бўшатишган катакдеккина жойга қутисини қўйиб, Тоҳир Моҳиrowнинг олдига ўтди.

- Иш деган мана бундай бўпти. - Зерикиб ўтирган Тоҳир Моҳиrowга жон кирди. - Қаерлардан сўраймиз энди, тақсир?

Эйбе жиноят устида қўлга тушгандек зўраки жилмайди.

— Шўттан... - унинг овози ҳам зўрға чиқди.

— Отчопарда туғилиб, катта бўлганман денг. Ҳа-ҳа-ҳа-а... Ўзим ҳам этувдим-а, бу от башара қаердан кеб қолди деб!

Эйбе шошилиб кичкина ойначага қаради. Башараси туппа-тузук одамники. «Отбашараси нима бўлди экан-а?»

Қотиб кулганидан кўзлари ёшланиб кетган Тоҳир Моҳиrow га-латироқ янги шеригининг елкасига қоқди.

- Хафа бўлмайсиз, тақсир. Ўзимга яқин олиб ҳазиллашдим-да. Лекин кечирасиз-ку, ўзи рангингиз чиндан ҳам тоза эмас экан. Худди офтоб кўрмай ер остида яшаганга ўхшайсиз-а!

Эйбе яна ичидан «зил» кетди. «Наҳотки сезиб қолган бўлса? Ериликларнинг ҳаммасиям шунга ўхшаш синчиковмикан-а? Бутун си-ноатингни бир зумда билди-қўйди-я!» Эйбе яна ўзини қўлига олди

— Ҳа энди сизга ўхшаганларнинг соясида юравериб, офтоб кўрмаганмиз-да, окагинам. - Жавобига Эйбенинг ўзи ҳам лол қолди.

— Ҳа-ҳа-ҳа-а... Ҳисоб бирга бир!

Тоҳир Моҳиrow молига келган харидорларга чалғиб, Эйбе бир оз енгил нафас олди. Ўзига келиб шериги сотаётган молларга назар ташлади. Ерга ёзиб қўйилган картон устида аёллар ички кийимидан тортиб болалар оёқ кийимигача турли матоҳлар ёйилган эди. Тоҳир Моҳиrow исмига монанд, моҳиrowна савдо қиларди.

— Қойиллатдик! Бопладик! Хитойнинг арзон матоҳидан икки-тасини пулладик, - деди у қўлларини бир-бирига ишқаб. Бизнинг «Маликан Ҳуснобод» арзон мол тез сотилади» деб нуқул хитой молини ташийди. Охирги вақтда узоққа ҳам борадиган бўлди. Мана бу аёлларнинг ички кийимини Гермондан олиб келган. Бу аёлларга



қўйиб берсанг бошқа сайёрага ҳам бориб «мол» олиб келади.

Эйбе яна ҳаяжондан ҳовлиқиб қолди.

— Нима, сиз ўзга сайёраларда ҳам ҳаёт бор деб ўйлайсизми?

Бир вақтлар дорилфунуннинг физика факультетида дарс берган Тоҳир Моҳиروف бундай саволларга жавобни қийиб ташларди.

— Бўлмасамчи! Эгасиз жойнинг ўзи йўқ. Ҳамма сайёраларда ўзига яраша ҳаёт бор. Биз коинотда ягона эмасмиз.

— Лекин сайёралар жуда узоқ-ку?

— Хоҳиш бўлса бўлди, уларга етиш ҳеч гап эмас. Ядро двигатели космик кемалар бор. Қолаверса гравитацион энергиядан фойдаланиб учиш мумкин...

Эйбенинг ранги ўчиб, қўлидаги ёлгонни ажратадиган асбобга қаради. Кўрсаткич ўз жойида, ерлик инсон роппа-рост гапирарди.

—... Шунақа дўстим, яқин сайёраларга бир зумда етиб олсак бўлади. Лекин бунга ҳозирча эҳтиёж йўқ. Агар масалан, дейлик Марсга рейс очилса борми, албатта борадиганлар бизга ўхшаган бизнесменларнинг хотинлари бўлади. Арзон, сифатли матоҳ қидириб улар Марсни пошналари билан илма-тешик қилиб ташлайдилар. Ҳа-ҳа-ҳа-а.

Эйбенинг юрагига ғулғула тушди.

— Наҳотки сиз Марсда ҳаёт борлигига ишонсангиз?

— Бир вақтлар у ерда албатта ҳаёт бўлган. Чунки илгари қуёш кучлироқ ёритган. Кейинчалик ҳаво совиб, ёки бирор фалокат юз бериб улар сайёра остида яшашга мослашиб кетган бўлсалар ажаб эмас.

Эйбенинг қулоғи том битиб қолди. «Агар бозордаги битта майда савдогар биз ҳақида шунча нарсани билса, катта олимлари нималарни биларкин-а?» У тезроқ кетиб ҳаммани катта хавфдан огоҳ қилгиси келарди. Лекин тажрибали айғоқчи бутун иродасини нишга солиб, ўзини қўлга олди.

— Қўрқитиб юбордингиз-ку, биродар. Агар мабодо улар бостириб келиб қолса нима қиламиз?

Тоҳир Моҳиروف бамайлиҳотир чўнтагини кавлаб, бир сиқим писта олди.

— Юракдан ҳам боракан-ку! Уларни мана шу пистага ўхшатиб чақиб ташлаймиз. -У «мана бундай» дегандек пистани «қирс» этиб чақиб, пўчоғини туфлаб ташлади.

— Айтишга осон, - деди Эйбе сир бермай, - лекин улар чиндан ҳам бостириб келиб қолса борми?! Шўримиз қурийди-я!

— Вей менга қара, ростдан ҳам осмондан тушганмисан? Рангин-

гга қараб»ғирт чаласавод бўлса керак» деб ўйлаганимча бор экан. Ерга ажали етган бостириб келади. Нима, Херберт Уэллсни ўқимаганмисан?

Эйбе кўзларини кулала қилиб бош чайқади.

— Уэллс ёзганидек, марсликлар келсаям, ўз-ўзидан қирилиб, ўлиб кетади. Қолаверса Ернинг зўр ҳимояси бор. - Тоҳир Моҳиروف бир парча қоғоз олиб нималарнидир чизиб кетди. - Мана, Ерга яқин орбитада бир қанча ракеталардан иборат қарши ҳимоя зонаси бор. Эйнштейн, Планк, Шнеллингер тенгламаларидан, фазо физикаси қонунларидан хабардормисан? Ё тушунтириб берайми?! Сенга ким дарс берган ўзи! Билиб қўй, мабодо бирор номаълум «X» объект сайёрамизга яқинлашса, ракеталаримиздаги компьютерлар бундан дарҳол хабар топади. Автоматик тарзда, улардаги уран заряди портлаши учун етарли таъсир кучи берилади. Даҳшатли портлашдан янада даҳшатли, ўша «X» объектга йўналтирилган лазер нури пайдо бўлади ва ҳар қандай катталикдаги нишоннинг кулини чексиз фазога совуради!...

Эйбе яна ёлғонни ажратадиган асбобга қаради. Тоҳир Моҳиروفнинг гапларида заррача ёлғон йўқ эди. Эйбенинг нафаси бўғзига тикилиб, қорнини ушлади. «Ё тавба, оддий олиб-сотари шунчалик ақлли, билимдон бўлса олиму, раҳбарлари қанақа экан-а? Мабодо менинг кимлигимни билиб қолишса Марсни босиб олишлари аниқ. Марсни хотинларнинг пошналари билан илма-тешик қилиб юборамиз дейди-я!»

— Ана шунақа, биродар! Пистадек чақиб ташлаймиз. - Тоҳир Моҳиروف қорнини ушлаб букчайиб қолган шеригига тикилди. - Нима бало, ўлиб тирилиб тарвуз еганмисиз дейман-а?

Гап нимадалигини тушунмаса ҳам Эйбе бужмайиб бош силкиди. У қандай қилиб бўлса ҳам бу ердан тезроқ кетгиси келарди.

— Қаерга чопишни биларсиз-а? — Тоҳир Моҳиروف ўзини кулгидан зўрга тутиб турарди. - Майда пул оливолинг, яна остонасидан қайтариб юборишмасин... Ҳа-ҳа-ҳа-а...

Эйбе яшин тезлигида ғойиб бўлди. У телепортация йўли билан Ер фазосини бир зумда босиб ўтди ва кемасига чиқиб, Марсга ваҳимали космограмма юборди. Эйбе етиб бориб, тўлиқ ахборот бериши билан Масрда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Учишга шай турган ҳамма ракеталар тезда чуқур марс остига қайтарилди. Сафарбарлик бекор қилиниб, марсликлар янада чуқурроқ қатламлар остига тушиб кетдилар...

## БЕТАРАФ

Сусткашев бошини чангаллаб, бўридек увиллаб юборди. Очиқ турган деразадан овози ҳовлига эшитилиб, қўшнисининг ити галати ушлаб жавоб қайтарди. Дард-аламдан эзилган, дунё кўзига тор, ҳамма одамлар мунофиқ бўлиб кўринган Сусткашев шу топда ўзини қўйгани жой тополмасди. У харчанд уринса ҳам ноҳуш ўй ҳаёллар гирдобни яна ўз домига тортиб кетди...

Сусткашев кечагина бутун бошли институтни ларзага солган воқеаларни эслаб, лавозим талашиб бўлиб ўтган шиддатли «жанг»ларни яна бир бор кўз олдига келтирди. Ўша маъшум жанглар энг авжига чиққанида ҳозирги ҳамма балонинг боши, илми пуч, бетгачопар Нўноқ Сурбетовичнинг ҳомийлари зўрлик қилиб, у лавозимни «илиб» кетди. Аслида ўн беш йилдан бери тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилаётган Жафокашев бўлим бошлиғи бўлиши керак эди. Лекин у ҳозир мансабга «миниб» олган Ёзар Тухматович ва Танбал Устуновичлар билан ҳамтовоқ бўлмади, бировларнинг устидан ёзиб, улар юрган йўлдан бормади. Ҳақиқат учун курашиб, соғлигини йўқотганида уни лавозимдан ҳам маҳрум қилишди. Сайлов вақтида Нўноқ Сурбетович номзодига кескин қарши чиққанлар ҳам бўлди. Лекин бетарафликни ёқлаб, ўзини панага олган Сусткашевга ўхшаган баъзи бўлим ходимлари сусллик қилганидан кейин унинг номзоди ўтиб кетди. Нўноқ Сурбетович лавозимни эгаллаганидан кейин номзодига қарши чиққанларга кун бермай қўйди. Ўртада бетараф бўлганлиги учун Сусткашев ҳам калтаклардан омон қолмади. Нўноқ Сурбетович уни чиқиштирмай, ҳар қадамда таъқиб қилавериш жонидан тўйдирди. Бугун ҳам ходимлари олдида ноҳақ изза қилди. Иш тугашга яқин чақирганида юрак юитб борган Сусткашевнинг олдига катта папкани «тўп» этиб ташлаб, квартал ҳисоботини тайёрлашни буюрди. Жони халқумига келган Сусткашев ҳаёлида боплаб унинг таъзирини бериб қўйдию, амалда «тил забон йўқ» деб папкани қўлтиқлаб келаверди. Мана энди ҳамма ухлаб ётган сутдек ойдин тунда у Нўноқ Сурбетовичнинг ўрнига ҳисобот ёзиб ўтирарди.

Бўлиб ўтган воқеаларни ҳаёлидан ўтказиб, алам билан ўтирган Сусткашевнинг жигар бағри хун эди. У бой берилган имкониятларни эслар, Нўноқ Сурбетовичнинг амалга етишишида сўзсиз айбдорлигини пинхона тан олиб, юрак бағри қўйиб «ув» тортарди. Сусткашев шу топда фақатгина ҳақиқатни қарор топтириш - лавозимига номуносиб бу одамдан қутилиш йўлини излар, зўриқишдан мия-

си тарс ёрилай дерди. У бегона одамнинг йўталганини эшитиб келди. Қаршисидаги диванда қандайдир қоғозни ушлаб олган нота-ниш киши унга тикилиб ўтирарди. «Ўғри!» Миясига лоп этиб келган фикрдан ўзи чўчиб тушди. Лекин «ўғри» негадир жим ўтирар, қарашлари маъноли эди.

— С-сиз кимсиз? - сўради Сусткашев тили айланмай. - Бу ерга қандай кирдингиз?

— Мен холис хизмат бюросиданман, - деди меҳмон тавозе билан.

— Яна қанақа бюро? Мен ҳеч кимни чақиртирганим йўқ. Бу англашилмовчилик бўлса керак. Тун қоронғусида қанақа хизмат бўлиши мумкин?

— Галактик хизмат бюроси беҳато ишлайди. Биз кадрлар масаласи билан шуғулланамиз. Ҳақиқатни қарор топтириб, ўз ўрнида бўлмаган одамларни қобилиятига яраша ишга ўтказиш зарурати туғилганида сизга ўхшаганлар бизга хабар беришади.

— Лекин мен ҳеч қандай хабар берганим йўқ.

— Ҳаммаси жуда оддий. Сиз ҳақиқатни тиклаш учун астойдил қайғурганингизда миянгиздан узатиладиган биоимпульслар дарҳол бизга етиб боради. Бундай биоимпульсларни биз бемалол ўқий оламиз. Менга бўлиб ўтган ишларнинг тафсилотлари маълум. Мана шу қоғозга қўл қўйсангиз ноҳақ тайинланган кадрларни ўз жойига ўтказиб қўямиз. У қўлидаги қоғозни Сусткашевга узатди.

— Мен шубҳали қоғозларга қўл қўймайман, - деди Сусткашев ва ўрнидан туриб кетди. Лекин дастлабки жумлаларга кўзи тушиши билан яна жойига ўтирди. Қоғозда «Нўноқ Сурбетовични лавозимга нолойиқлиги сабабли қобилиятига яраша ишга ўтказилсин» деб ёзилган, пастида жабрланувчи, яъни Сусткашев қўл қўядиган жой белгиланган эди. У шошилиб ручкасини олдида шартта қўл қўйди.

— Қобилиятига яраша деб уни юқори лавозимга кўтариб юбормайсизларми? -сўради Сусткашев ишонқирамай.

— Бизларда бунақаси бўлмайди. Нўноқ Сурбетович тестдан ўтказилиб, ўзига энг лойиқ ишга ўтказилади.

— Жуда қойил-ку, - деди Сусткашев кувончини яширолмай. - Лекин айтингчи, шундай холис хизмат бюроси бўлатуриб мансабига номуносиб одамлар нега кўпайиб кетаяпти?

— Бизларда айб йўқ. Махсус сигналларни жуда кам қабул қиламиз. Бундай одамлар билан ишлайдиганлар ҳақиқат учун астойдил жон куйдирмасалар бизлар ҳеч нарса қила олмаймиз. Кимлардан-

дир қўрқиб, бетарафликни ёқлаб, индамай юраверган билан иш битмайди.

— Индасангиз Ёзар Тухматовичга ўхшаганлар тинчлик бермайди-да, - деди зорланиб Сусткашев. - Устингиздан ёзавериб, бўшатамагунича қўймайди. Минг афсуски, уларнинг қўллари жуда узун ва илдизи бақувват. Бизга ўхшаганларни ямламай ютиб юборишади.

— Қўрққанга қўша кўринади! Ахир қачонгача индамай юрасиз? - сўради меҳмон куюниб. - Ҳақиқатни қарор топтириш осон эмас. Коинотда ёз-ёз оз дейсизми?! Мен ҳозир келаётган Қисқичбақа юлдуз туркумидаги Юмалоқ сайёрасида икки бошли, олти қўллик ақлли мавжудотлар яшайди. Юмалоқликлар бир ўтиришда камида тўртта юмалоқ хат ёзиб ташлайдилар. У сайёрада ноҳақ жабрланганларнинг сон-саногии йўқ. Лекин ҳақиқатни тиклайман деганлар ҳам кам эмас. Бизнинг асосий штатимиз ўша сайёрада банд. Сизларда харом пул топган, бировнинг жойини ноҳақ эгаллаганларни кўриб «Қандини урсин!», «Омадини берсин!» деб қўллайдиганлар бор. Токи шундай экан, бундай дилозор, лавозимига номуносиб одамлар ҳам кўпаяверади.

Сусткашев меҳмоннинг мулоҳазасига лол қолди.

— Мен ҳам шунга айтаяпманда, - деди у чайналиб. - Ёзар, Тухматович, Еўеок Сурбетович ва уларнинг ҳамтовоқлари илми пуч, фандан узоқ одамлар. Ўз иши билан машғул бўлсаку...

— Хўш, сизлар била туриб қаёққа қараяпсизлар? Қўл қовуштириб тураверасизларми? Табиий муҳит ифлосланаяпти деб жар соласизку, лекин ижтимоий муҳитнинг ифлосланиши билан ишингиз ҳам бўлмаёпти. Сиз айтган инсонлар мўрининг ўзи, оғу чиқариб яшаш муҳитини заҳарлайди. Натижада жамоадаги соғлом муҳит йўқолиб, мансабпарастлик, хушомадгўйлик, лоқайдлик, гаразгўйлик каби хавфли касалликлар келиб чиқаверади. Ҳали ҳам бунинг олдини олиш мумкин. Фақат сусткашлик қилиб, бетарафликка ўтмаслик керак. Ҳа айтгандек, бизнинг хизмат ҳақида ҳеч кимга оғиз очманг. Бутун қилган ишимиз чиппакка чиқади. Бир оз вақт ўтганидан кейин гапиришингиз мумкин.

Меҳмон қандай келган бўлса шундай сирли ғойиб бўлди. Унинг кетиши билан бошланган ғалати овоз сира тинмасди: Пии-пп... пи-пи-пп.

Сусткашев қаттиқ турткиддан чўчиб тушди.

— Ҳа хўжайин, столга ёнбошлаб ҳаёл сураверасизми? - деди хотини жавраб. - Лоақал савил қолгур ахлатни тўкиб келинг.

Сусткашев бир зум довдираб қолди. Ҳозиргина бўлиб ўтган во-

қеанинг тушими ёки чинми эканлигини англолмай, хотинига норози тўнғиллаб ўрнидан турди. Сусткашев кўчага чиқиб ахлат ортувчини кўрди-ю, челақлари қўлидан тушиб кетди. Рўпарасида белкуррак кўтариб Нўноқ Сурбетович турарди.

— Ҳа, окагинам, тинчликми ўзи? Челақлар ҳам қўлдан учиб кетаяптими? Кеча кўпроқ оворганмилар дейман-а? Ҳа-ҳа-ҳа...

«Гапиям, кулишиям худди ўзи-я! Қойил, жуда тез ишлашар экан.» Сусткашев довдираб, амаллаб челақларни тўкди. Нўноқ Сурбетовични бир гапга солиб кўрай деди-ю, одам кўп бўлганлиги учун лозим топмади. Кўчадан олтин топгандек иршайиб, хурсанд кираётган эрини кўриб хотини ҳайрон қолди.

— Тинчликми? Бунча оғзингиз қулоғингизда бўлмаса? Бирор гап бўлдими?

— Суюнчи бер хотин, - деди Сусткашев, - Нўноқ Сурбетовични ишдан олишибди.

— Ростданми? Қаердан эшита қолдингиз?

— Уни мен ишдан олдириб ташладим. Ҳамма ўзининг жойида ишлаши керак.

Хотини эрига бошдан оёқ разм солди.

— Истмангиз йўқми? - сўради у мулойим. - Ўзи сизга нима бўлди? Кеча ҳисоботни бериб юборди деган эдингиз-ку?

— Ҳа, кеча у бўлим бошлиғи эди, бугун бўлса ахлат ортувчи! Лекин қойилман, худди қобилиятига яраша ишга ўтказишибди. Ўша-ўша одамларга жаврагани жавраган. Мени танимади. Бир ҳолини сўраб қўяй дедим-ку, имкони бўлмади. Ҳайрият, мен уни юқорироқ лавозимга кўтариб юборишларидан қўрқиб турувдим. Тунда келган одам алдамабди. - Кўкрагига муштлаб гапираётган Сусткашев меҳмоннинг охириги гаплари эсига тушиб лабини тишлаб қолди. «Тамом!» Ҳаммаси чиппакка чиқади энди»

— Нималар деяпсиз, дадаси? Вой шўрим! Эсиздан оғиб қопсиз! Нима, ахлат ортадиган кишини энди кўрдингизми? Ахир унинг иш бошлаганига уч ойдан ошди-ку!

— Уч ой! - Сусткашевнинг нафаси ичига тушиб кетди. - Тавба, одам боласи ҳам шунчалик ўхшаш ўладими-а? Балки янглишаётгандирсан хотин?

Бир зум гангиб қолган Сусткашев ўзига келди-ю, телефонга ёпишиб, шошилиб номерни терди.

— Алло, Нўноқ Сурбетовични мумкинми? - деди Сусткашев ҳаяжон билан.

— Ҳа, менман. - деди Нўноқ Сурбетович ҳирилдоқ овозда. - Су-

сткашевмисан? Вей менга қара, ҳисоботни бир ёқлик қилдингми? Эрталабдан қўнғироққа бало борми?...

«Мўри»дан чиқаётган заҳарни туйиб, Сусткашевнинг кўзларидан ёш чиқиб кетай деди. Кечагина «сиз»лаб гапираётган Нўноқ Сурбетович бугун уни баралла сенларди. Сусткашев вужудида вулқондек бир туғён кўтарилганини сезди.

— Ҳей, Нўноқ Сурбетович, сени бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқни олдингми? - деди у ҳам ўдағайлаб. - Олмадим дейсанми? Ундай бўлса мана мен борман...

Сусткашев трубкини «тақ» этиб қўйди-да, шошилиб кийиниб, хотининг дийдиёсига қарамай папкасини қўлтиқлаб ишга дадил йўл олди.

\* \* \*

*Абдунаби Машипов*

## **ГАП ШУ ЕРДА ҚОЛСИН**

— Илҳомжон ука, гап шу ерда қолсин, сени жигаримдай кўрган им учун ҳасрат дастурхонимни ёзаяпман. Мен сени аслида пулдан ҳам яхши кўраман. Кел, шу сўнгги қадаҳдан олдин бир ўпай... О-оҳ, новвотга ўхшайсан-а. Қани энди кўтардик, бундан бу ёғига рўза, бир ой дам оламиз. Ҳа. ичмайман дегандинг-а, Меникига қуйиб қўя қол... Дарвоқе, юзингдан антиқа кремнинг ҳиди келяпти. Қаердан, неча пулдан олдинг?

Икки -уч қути олиб қўйгандим. Бир-икки донасини берайми, Фаффор ака?

— Тилингга шакар, кўпроқ беравер, мени қаерда ишлашимни биласану, бир зумда пуллаб юбораман, фойдаси арра. Бўлмайди, дейсанми, бўлади! Фаффор аканг йигирма йилдан бери пойтахтдаги энг катта бозор чангини ютиб келади. Бозорни биласанми, бу ерда сабзи уруғини Кўлоб зираси, пуч уруғни сара уруғ, деб сотиш мумкин.

— Ҳалиям уруғ сотяпсизми?

— Битта уруғ эмас, қўлимга нима арзон тушиб қолса, ўшани айлантираман. Гап шу ерда қолсин, тунов куни ёнимдаги тижорат дўконига харидоргир сигарета келиб қолди. Кўтарасига 8 минг донасини олиб қўйдим. Кашандаларга устама нарх қўйиб сотдим. Маза қилиб чекишаётир. Анави куни дегин, бекободлик деҳқон бир машина турп келтирган экан. Дарров менга ўхшаган ишбилармон-

лар атрофини ўргимчак ўраб олишди. Бозор нархидан ярим баҳо арзонига бизга ташлаб кетди. Қўлимизда дарров у «Олтиариқ турпи»га айланди-қолди.

Гап шу ерда қолсин, Илҳомжон, дарвоза пештоқига «Деҳқон бозори» деб ёзиб қўйишгани хўжақўрсинга. Аслида деҳқондан кўра бизга ўхшаган соққа қиладиганлар кўп.

— Сизлар ҳам инсоф билан сотсанглар бўлмайдимиз?

— Мактабда бирга ишлаган пайтларимизда ҳам содда эдинг, ўзгармабсан. Ахир, тушунсанг-чи, тирикчиликнинг кўчаси кўп пулнинг кетидан мен қувмасам, бошқаси чопади. Орзу-ҳаваснинг онаси ҳам пул. Айтишади-ку: уйга бахт ва тинчлик қорин орқали ўтиб келади, деб. Баъзиларнинг ризқи осмонда бўлса, меники ерда. Агар наф кўрадиган бўлсам, ҳатто чумчуқнинг ичагига қийма тиқиб, ҳасип қилиб сотаман. Кеча дегин, бир эзма харидор учраб қолиб:

— Ўтган кўкламда сиздан олган гул уруғларимдан биронтаси кўкармади, - дейди.

— Қандай қилиб эккан эдингиз?

— Аввал уруғни сепиб, кейин суғордим.

— Йўқ, - дедим баланд келиб, - аввал суғориб кейин экишингиз керак эди.

«Биздан ўтибди», деди-да, яна ўн хилча уруғдан сотиб олди. Қошиғи беш сўмдан. Бундай митти қошиқни дорихоналардан ҳам излаб топиб бўлмайди... Биттаси уйимга текширгани келиб, «Тойота-а»ни кўрдию такбиридан адашиб қолди. Ҳаммасига ҳужжат кўрсатдим. Ҳатто беш киши тикка турса сиғмайдиган «уруғчилик томорқам»ни кўриб, қойил қолди. Дарвозадан қўйни-қўнжини тўлдириб чиқариб юбордим.

Аммо, бари бир баъзи пайтларда супургига дуч келишдан қўрққан ўргимчакдек беҳаловат бўлиб қоламан. Харидорларни алдаш савоб эмаслигини тушунаман, ҳар ҳолда. Пул жониворнинг жозибаси кучли-да, ўзи! Илойим, фалокатнинг юзини тескари қилсин. Беайб-парвардигор. Шунинг учун гуноҳларимни Оллоҳ кечирар деган ниятда, эртадан бошлаб рўза тутиб, беш вақт номоз ўқиш ниятим бор. Кейинми? Кейин яна тирикчилик-да, ука!

